

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 14 март, № 51 (4204)


Чоршанба



«Ўзэкспомарказ»-
да «Қурилиш ва
интерьер,
иситиш ва
вентиляция —
UzBuild-2007»
халқаро
кўргазмаси
очилди.



ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ



Сақазинчи бор ўтказилаётган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ва хориждан юзга яқин компания ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Тадбирга ташриф буюрганлар қурилиш материаллари ва технологиялари бозоридagi энг сўнгги тенденциялар билан танишиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатидagi янгиликлар ҳақида батафсил ахборот олиш имконига эга.

Кўргазмага қўйилган қурилиш материаллари ва тақлиф этилаётган хизмат турлари жуда ранг-баранг. Айниқса, иситиш ва вентиляция тизимлари, интерьер ва дизайн, эшик ва ромлар, лок ва бўёқлар, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, электроника ва ёритиш сингари кўплаб турдаги маҳсулотлар кўпчи-

лик эътиборини ўзига жалб этади.

— Кўргазмада етти турдаги маҳсулотимиз билан қатнашяпмиз, — дейди пойтахтимиздаги «Versal classic» шўба корхонаси раҳбари Шерзод Қодиров. — Айниқса, мактаблар, болалар боғчалари, офис ва шифохоналарга мўлжалланган эшик ва деразаларимиз кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айни пайтда маҳсулотларимизни «Осиё бунёдкори», «Усто» сингари қурилиш корхоналарига пешма-пеш етказиб бераёلمиз. Хозирги кунда маҳсулот турини кўпайтириш ва уни экспорт қилиш борасида фаол иш олиб бораёلمиз. Бунда ушбу кўргазма бизга яқин имконият яратиши шубҳасиз.

Кўргазмада «Вағра-улус» масъуляти чекланган жамиятида ишлаб чи-

қарилаётган қуёш нуридан қувват олиб ишлайдиган печ ва сув иситиш мосламалари ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти. Бундай қурилмалар, айниқса, дала-даштада истиқомат ва меҳнат қилаётган юрtdошларимизга жуда қўл келади.

— Қуёш юз қўрсатса бас, печимизда сув қайнаб, овқат пиваверади, — дейди жамият директори Рустам Султонов. — Турли ҳажмдаги иситиш мосламаларимиз орқали эса ҳаммом, ювиниш ва ювиш хоналарини иссиқ сув билан таъминлаш мумкин. Муҳими, улар чиқимсиз ишлайди. Маҳсулотимизга ўн йил қафолат берамиз. Ташкилотчиларнинг тасқиллашича, кўргазмада ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этаётган компания-

лар, айниқса, хорижий фирмалар сони йилдан-йилга ортмоқда. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ва хориж компаниялари учун яратилган қўлай инвестиция муҳити бераётган самараларданidir.

Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган ушбу кўргазма 16 мартга қадар давом этади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА МУХБИРИ,
СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.
Темур ҚУРБОНБОВ ва **Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)** олган суратлар.

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз 13 март куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 14 март куни бўлиб ўтади. Юқори мартабали меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов ва Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниб, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашиш ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА).

Ўзбекистон — Покистон:

ТИНЧИЛК ВА БАҲҚАРОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ ҲАМДА МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бугун Покистон Ислom Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади. Ушбу ташрифга томонлар кейинги йиллар давомида икки мамлакат ўртасида юқори даражада ўрнатилган самарали алоқаларнинг давоми сифатида қарамоқдалар.

Жорий йилда Ўзбекистон ва Покистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига 15 йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил август ойида Покистонга буюрган расмий ташрифи Ўзбекистон — Покистон муносабатларининг ўрнатилиши ва ривожланишига тамал тошини қўйган эди.

2005 йил мартда Покистон Президенти П.Мушаррафнинг Ўзбекистонга буюрган расмий ташрифи чоғида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, икки томонлама сийёсий-иқтисодий мулоқотни кенгайтириш масалалари му-

ҳокама этилди. 2006 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов расмий ташриф билан Покистонда бўлди. Ташриф давомида эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб берди. Ушбу ташриф чоғи, имзоланган ҳужжатлар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва сармовий соҳадаги, терроризм ва экстремизм билан кураш борасидаги ҳамкорлиги янада ривож топишига хизмат қилди.

(Давоми 2-бетда).

Хушxabар

Боксчиларимизнинг Эрондаги ғалабаси

Ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг жаҳонда ўз ўрнига эга эканлиги яқини маълум.

Эронда яқунланган «Фажер» халқаро турнирида ҳам йигитларимиз ўзларига муносиб ўйин намойиш этишди.

Жумладан, Баҳодир Султонов (57 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Бекзод Юну-

сов (69 кг.) ва Элшод Раҳимов (75 кг.)лар ўз вазн тоифаларида халқаро турнирнинг олтин медалларига сазовор бўлдилар. Баҳодир Мамажонов (60 кг.) учинчи ўринни қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида вакилларимизга иккинчи ўрин насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Дунё нигоҳи

Сайд ШАҲОБИДДИН,
Муулхиндистон
Умумоллари
Мажлиси-мушаварати
Президенти:

— Мустақил Ўзбекистон пойтахти дунёнинг турли минтақаларидан ташриф буюраётган меҳмонларни маҳобатли мадраса ва масжидлари, ислом маданиятига беқийс ҳисса қўшган буюк аломалар билан қўлга келган кўз қорачиқдек авайлаб сақланаётган кутубхона ва музейлари билан лол қолдиради. Тошкентда Имом ал-Бухорий номида ислом институти, Қўқалдош мадрасаси ва Президент И.А.Каримов ташаббуси билан асос солинган Тошкент ислом университети фаолият кўрсатмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ушбу йўналишдаги ағона олий ўқув юрти бўлган Тошкент ислом университети дин ва сийёсат, диний бағрикенглик ҳамда замонавий дунёда барқарорлик ва оқоилиятлиқни сақлаш каби долзарб мавзуларда ўтказилган халқаро анжуманларнинг ўзига хос марказига айланиб қолган.

ЭШИТДИНГИЗМИ

Сурхондарёнинг Узун туманилик 91 ёшли Шаҳар момо Халиёр кизи муқаддас ҳаж зиёратига бориш ниятида йиғиб қўйган маблағига ўзи истиқомат қиладиган тоғли Аргамчисой қишлоғида мактаб қурдирди. Замонавий жиҳозланган тўрт хонадан иборат бу билим масканида бугун шу қишлоқлик 60 нафар ўғил-қиз билим олмақда.

2007 йил — Ижтимоий Ҳимоя йили

Қашқадарё вилоятида кам таъминланган оилаларга чорва моллари бериш яқин аёнага айланди. Утган йили ҳимояларнинг саховати туфайли чорва молли бўлмаган 2647 хонадоннинг қўрасига ситир қирган эди. Бу йил вилоят бўйича 4250 оилани сўт-қатиқли қилиш кўзда тутилмоқда. Бундай ўсилининг сабаби шундаки, вилоятда кўни-қўшини қўллаб-қувватлашга қурби етадиган мулкдорлар, фермерлар сафи тора кенгаймоқда.

Саховат байрами

Иқтисодий бақувват Касби тумани бу соҳада ҳам намуна бўлапти. Эзгулик ва меҳр-оқибат байрами — Наврўз арафасида туманининг марказий стадионида ажойиб тадбир ўтказилди. Уни бир сўз билан саховат байрами дейиш мумкин. Чўки шу кўни тумандаги бадавлат инсонлар, бақувват фермерлар стадионга қўруқ келишмади. Кимдир сингир етаклаб келган бўлса, кимдир буюқ олиб келди. Хатто гинжлаб турган тойлар ҳам кўзга ташланди.

Вилоят ҳокими Нуриддин Зайинов тўпланганларни бу ўзига хос байрам билан табриқлар экан, Юртбошимиз-

нинг эл фаровонлиги, кам таъминланган оилаларни ижтимоий Ҳимоя қилиш соҳасидаги гамқўрликларини алоҳида таъкидлади. Узаро меҳр-оқибатли бўлиш, ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш ҳалқимизнинг энг қадрли фазилати, деди у. Мана шу бағрикенглик, саховатлилик, яқдиллик бор жойда ҳаммиса муваффақият бўлади. Бугун чорва молли тарқатаётганларнинг ҳаммаси ҳам ҳалол меҳнати билан,

тадбиркорлиги, ишбилармонлиги билан танилган кишилар. Улардан миннатдоримиз. Кам таъминланган оилаларга қорамол тарқатиши «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги «Боблот» хусусий чорвачилик фермаси раиси Фарҳод Боболов бошлаб берди. Қўйчилик қишлоғида истиқомат қиладиган Султонмурод Шомуродов эстон зотли қизил сигирини қабул қилиб олар экан, ҳаяжонини яшира олмади:

— Раҳмат, ҳаммага раҳмат. Бундай бўлишини сира кутмаган эдим. Биз шу ерда саховатпеша Фарҳод Боболов билан сўбатлашдик. — Сигирларнинг сарасини олиб келдим, олган одам ҳам баракка топсин-да, — деди у. — Фермада зотли сигирлар кўп. Шомуродовлар оиласини яқин биламан. Фарзандлари кўп. Сал камхаржроқ. Худо хоҳласа, шу сигир рўзгорига баракка кири-

тади. Бизда чорваси бор рўзгор, албатта, ривож топади. Бу йил кам таъминланган яна бир оиллага сигир беришни дилмига тукканман. Ҳамқўшлоқларимга ёрдамим тегатганидан хурсандман.

Шу кўни туманининг турли қишлоқларида яшовчи 150 та кам таъминланган оиллага чорва моллари топширилди. Кўп йиллар чўпонлик қилиб, элга танилган отахон Жўра Файбуллаев қишлоқдоши Бўри Ражабовага олиб келган молнинг ипини тутқазиб, дуога қўл очди: «Бугун мол олган ҳамюртларимизнинг молига мол қўшилсин, элимиздан меҳр-оқибат, қўт-баракка ари-масин».

Бу Касбидagi саховат байрамида иштирок этаётган барча-барчанинг дилдаги гаплар эди.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислохот оўзини



- Ўн йилда иш ўрни 2 барабар, иш ҳақи 20 барабар кўпайди
- Дунёнинг энг пешқадам технологияси изчил жорий этилмоқда
- Наслчилик тармоқ тараққиётини ҳал қилади

Хориж сармояси юртимиз хизматида

— Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш — бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айна пайтда бу — аввало, янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни хорижий эшик, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган, — деб таъкидлади Президент Ислom Каримов 2006 йил январада бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида.

Шу боис бугунги кўннинг энг муҳим устувор йўналишлардан бири ҳам хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўлайлаштиришдан иборатдир. Утган йил сарҳисоби эса бу борада халқ ҳўжалигининг кўпгина тармоқларида жиддий ўзгаришлар ясалганидан, мавжуд муаммолар имкон қадар ҳал этилаётганидан далолат бермоқда. Хорижий шерикларнинг республикамиз ишбилармонлари би-

лан ҳамкорликни янада кенгайтираётганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Мисол учун, Самарқанд туманидаги «Оҳалик-Ломанн-парранда» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини олиб кўрайлик. Ишлаб чиқаришга хорижий энг замонавий дастгоҳлари, асбоб-ускуналарини жалб этган ушбу жамоа 2006 йилни салмоқли кўрсаткичлар билан яқунлади. Тухум, парҳез гўшт ишлаб чиқаришдан ташқари насли жўжалар етиштириб, мамлакатимизнинг кўплаб паррандачилик корхоналари, фермер ҳўжаликларига етказиб берди.

— Ишни Германиянинг Кукехавен шаҳридаги «Ломанн-Браун» фирмасидан зотли жўжалар келтиришдан бошлаган эдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Икром Раҳматов. — Айниқса, насличиликни такомиллаштириш натижасида бугунга келиб, улар «Ломанн-Браун-классик» зотларига алмаштирилди. Ҳар ўн кунда корхонамиз инкубаторийсида 32 минг бош ана шундай зотли жўжа оқилтирилади. Утган ўн йил мобайнида эса тухум

ишлаб чиқариш 58 миллион дондан 68 миллион донга, парҳез гўшт 350 тоннадан 425 тоннага эдик.

Бундай ижобий ўзгаришларни корхона фаолиятининг барча жаҳаларида кузатиш мумкин. Масалан, 1997 йилда бу ерда 250 нафар ишчи ишлаган бўлса, хозирда уларнинг сони 500 тадан ошди. Иш ҳақи қарийб 20 барабар кўтарилди. Шу ўринда бир таққос: республикамиздаги аксарият паррандачилик корхоналари мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларининг атиги 35-40 фоиздан фойдаланаётган бир пайтда «Оҳалик-Ломанн-парранда»да эса бу кўрсаткич 70 фоиздан юқори даражада ташқил этмоқда. 2007 йил мобайнида эса корхонада ишлаб чиқаришнинг бундан-да оширилиши, яна бир қанча қўшимча иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Хорижий шериклардан яна бири — Германиянинг «Миллер» фирмасидан 40 минг тонна бокшига мўлжалланган, Украинанинг «Агро-Симо-Машбу» фирмасидан соатига 10 тонна сифатли омухта ем иш-

лаб чиқарадиган замонавий асбоб-ускуналарнинг келтирилиши ана шундай имкониятни яратди. Бундан ташқари, Германия корхоналари билан омухта ем таркибини бойитувчи фойдали витаминларга бой аралашма, Козогистондан соя ва кунгабоқар кўнжараси олиш юзасидан шартномалар имзоланган. Яна корхона ўзида етиштирилаётган насли тухумларни авазига зотли жўжалар ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмай, «Ломанн-Терсхут»дан йил мобайнида 35 мингга янги насли жўжа олиб келишни ҳам мўлжаллаб турибди.

Аслида корхона фаолиятининг асосий йўналиши доимий равишда жўжалар наслини янгилашга қаратилган. Сабаби, бугунги кунда мамлакатимиздаги барча паррандачилик корхоналари, шу соҳага ихтисослашган фермер ҳўжаликлари зотли жўжаларни фақат «Оҳалик-Ломанн-парранда»дан олишди. Бундан аниқлашдики, бу корхонада насличилик ишларининг яқинлаштириш бугун республика паррандачиликнинг ривожланишига туртки беради.

Абдураҳмон САТТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири,
Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(ЎЗА).



(Давоми. Боши 10 март сониди).

Мактабдан бошланган ислохот

Япония ҳукуматининг кадрлар тайёрлаш масаласига доимо ус- тувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётгани кўлга кирити- лавтган муваффақиятларнинг асо- сий омилларидан биридир, десаҳ хато бўлмайди. Мамлакат таълим тизими билан танишган, бу бора- да кунчиқар юрт вакиллари олиб бораётган сиёсатнинг юртимизда- ги ислохотлар билан ўхшаш жи- хатлари кўп эканига гувоҳ бўлдик.

Японияда (6-3-3-4) олти йил- лик бошлангич ва уч йиллик кичик ўрта таълим мажбурий ҳисобла- нади. Шундан сўнг 3 йиллик катта ўрта таълимда ўқиниш давом эт- тириш ва уни низолагандан сўнг 4 йиллик олий ўқув юртида би- лимларни мустақамлаш мумкин. Ана шу тўрт босқичли тизим ақун- ланган, ҳар қим ҳошияга қараб яна қўшимча икки йиллик дастур- ларда катнашади. Бунинг биздаги магистратура билан тенглаштириш мумкин.


Илк икки босқичда мамлакат- нинг ҳар бир фуқароси бепул таъ- лим олиш ҳуқуқига эга. Катта ўрта таълимдан бошлаб эса аксарият ота-оналар, гарчи у оила бюдже- тидан катта харажатни талаб қил- са-да, ўз фарзандларини репети- торларга ёки пуллик ўқув курсла- рига жалб қилишади. Универси- тетга тайёрларлик жараёни ҳам ак- сарият ҳолларда қўшимча маблаг- ни талаб қилади. Бундан ташқа- ри, кўпгина япон оилалари фар- зандаларини сузиш, муסיқа чалиш- ни ўрганиш каби турли хил тўга- рақларда катнашишига ҳам ало- ҳида эътибор беришади.

2002 йилдан Япония мактаб- ларида беш кунлик ўқитиш тизими жорий этилди. Ана шу ислохот на- тижасида таълим даргоҳларидаги дарсларнинг сифати янада ошди, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари ортиб, ўз са- лоҳиятларини намойиш этишлари учун кенг имкон яратилди.

Мамлакатда кейинги вақтларда ихтиёрий равишда узлуқсиз таъ- лимга бўлган қизиқиш ҳам тобора кучайиб бораётган. Яъни, аксария- т ёшлар мактаб ва олий ўқув юр- тларини тамомлаб, бирон корхона ёки ташкилотга ишга жойлашган- дан сўнг, ўз қизиқишларига кўра спорт, маданият ва кўнгиллилар фаолияти билан шуғулланишмоқ- да.

Миллий банк аҳолига хизматлар- ни кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблагла- ри бўйича ҳам мамлакат молия бо- зорига пешқадамлар жумласига ки- ради. Бугунги кунда банк фақат чакана хизматларнинг 70 дан ор- тик турларини амалга оширмоқда. Мижозлар базасининг анча ўсиши — «Уэмиллийбанк» филиал ва бўлимлари орқали электрон хиз- матлар миқёсининг кенгайтириши, банкка нисбатан аҳоли ишончининг ошиши, омонатлар шартларини мақбуллаштириш бўйича мақсадли

Миллий банк тизими бўйича миқозлар умумий базасининг кенгайиш дина- микаси



Кунчиқар юрт мўъжизалари

таълимдан бошлаб эса аксарият ота-оналар, гарчи у оила бюдже- тидан катта харажатни талаб қил- са-да, ўз фарзандларини репети- торларга ёки пуллик ўқув курсла- рига жалб қилишади. Универси- тетга тайёрларлик жараёни ҳам ак- сарият ҳолларда қўшимча маблаг- ни талаб қилади. Бундан ташқа- ри, кўпгина япон оилалари фар- зандаларини сузиш, муסיқа чалиш- ни ўрганиш каби турли хил тўга- рақларда катнашишига ҳам ало- ҳида эътибор беришади.


2002 йилдан Япония мактаб- ларида беш кунлик ўқитиш тизими жорий этилди. Ана шу ислохот на- тижасида таълим даргоҳларидаги дарсларнинг сифати янада ошди, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари ортиб, ўз са- лоҳиятларини намойиш этишлари учун кенг имкон яратилди.

Мамлакатда кейинги вақтларда ихтиёрий равишда узлуқсиз таъ- лимга бўлган қизиқиш ҳам тобора кучайиб бораётган. Яъни, аксария- т ёшлар мактаб ва олий ўқув юр- тларини тамомлаб, бирон корхона ёки ташкилотга ишга жойлашган- дан сўнг, ўз қизиқишларига кўра спорт, маданият ва кўнгиллилар фаолияти билан шуғулланишмоқ- да.

Миллий банк аҳолига хизматлар- ни кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблагла- ри бўйича ҳам мамлакат молия бо- зорига пешқадамлар жумласига ки- ради. Бугунги кунда банк фақат чакана хизматларнинг 70 дан ор- тик турларини амалга оширмоқда. Мижозлар базасининг анча ўсиши — «Уэмиллийбанк» филиал ва бўлимлари орқали электрон хиз- матлар миқёсининг кенгайтириши, банкка нисбатан аҳоли ишончининг ошиши, омонатлар шартларини мақбуллаштириш бўйича мақсадли

Миллий банк аҳолига хизматлар- ни кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблагла- ри бўйича ҳам мамлакат молия бо- зорига пешқадамлар жумласига ки- ради. Бугунги кунда банк фақат чакана хизматларнинг 70 дан ор- тик турларини амалга оширмоқда. Мижозлар базасининг анча ўсиши — «Уэмиллийбанк» филиал ва бўлимлари орқали электрон хиз- матлар миқёсининг кенгайтириши, банкка нисбатан аҳоли ишончининг ошиши, омонатлар шартларини мақбуллаштириш бўйича мақсадли

Миллий банк аҳолига хизматлар- ни кенгайтириш сиёсатига қатъий амал қилиб, хусусий омонатлар ва аҳолининг жалб этилган маблагла- ри бўйича ҳам мамлакат молия бо- зорига пешқадамлар жумласига ки- ради. Бугунги кунда банк фақат чакана хизматларнинг 70 дан ор- тик турларини амалга оширмоқда. Мижозлар базасининг анча ўсиши — «Уэмиллийбанк» филиал ва бўлимлари орқали электрон хиз- матлар миқёсининг кенгайтириши, банкка нисбатан аҳоли ишончининг ошиши, омонатлар шартларини мақбуллаштириш бўйича мақсадли



Велосипед — ҳам қулай, ҳам соғлиқ учун фойдали

Хитойда велосипедга нафақат қулай транспорт тури сифатида, балки соғлиқни мустақамлаш мумкин си- сита сифатида қараганликларидан унинг ҳам аҳоли учун кенг фойдаланиши- ни яқини биланамиз. Шаҳар ва шаҳар атрофида қурилган йўлларда йўлак- чалари шунга мос равишда барпо этилган. Япония кўчаларида ҳам ана шу маънада кўчаларнинг мумкин. Велосипед ҳайдаб кетаётган кишилар- га тез-тез қўнғилғи тўшади.

Биз ҳам иккинчи-уч ҳаммаси дўстлар ўзимиз истиқомат қилётган Япония халқро ҳамкорлик агентлигининг Оса- кадаги марказидан велосипедлар олиб, шаҳар кўчалари, одамлари бил- лан яқиндан танишмоқчи бўлдик. Ко- лаверса, кечки маҳал бундай саёҳат- нинг гаши ҳам ўзгача бўларкан. Кўча- лар бўйлаб борар эканмиз, велоси- педда юрган кекка ёшдаги кишилар эътиборимизни тортиди. Шунингдек, югуриш ва бошқа спорт турлари бил- лан шуғулланётган кишиларга ҳам кўп бор дўч келди. Одатда «Японлар нега узоқ яшайди? Бунинг сирини нимада?» деган савол кўп бор ўртага қўйилган- да, ҳар қим ўз билганича жавоб бе- ришга уринади. Кимдир улар истеъм- олчилик билан мақсулотлар парhez таом бўлгани учун, кимдир денгиз ма- қсулотларидан кўп фойдаланганликла- ри учун, яна биров эса бу иқлим бил- лан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Бизнингча эса, япон халқининг до- имо соғлом бўлиб юришининг мўъжиза- си спорт билан мунтазам шуғулланишларидадир. Маъ- лумотларга кўра, Японияда эркеклар- да ўртача умр кўриш 78 ёшни, айёл- ларда эса 85 ёшни ташкил этаркан. Кўриниб турибдики, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спорт ҳам мўъжиза роль ўйнайди.

Юқоридagi манзаранинг мантиқий давоми сифатида қўйидаги эътибор- ли халқни ҳам келтириш мумкин. Япо- ниянинг марказий шаҳарларида қа- шандадлар кўчаларда махсус ажратил- ган жойлардагина чекишлари мумкин. Мабодо ана шу қўнғилғи бўйсунмасан- гиз, каттагина жарима тўлашингизга тўри келади. Атроф-муҳит мусаффо- лигини таъминлаш, шаҳар тозагини сақлаш учун жорий қилинган ва бар- тақ-қонда амалда ўзини оқлагити...

Махсулотларга халқро ва Европа сертификатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида расмий рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги ҳужжатлар илова қилинади.

Шунингдек, Россия ва Европа ишлаб чиқарувчилари- нинг тиббий ва лаборатория ускуналари ҳамда мебелларини тақдир этишимиз.

Тақдир этилаётган махсулотлар Тошкентдаги омондан етказиб берилади.

Махсулотларни алоҳида буюртмалар бўйича етказиб бериш имконияти мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 118-55-23, 118-52-96, 406-91-55.

Яқинда Россия телеканалларидан бирида «Кўрлар шаҳри» деб номлан- ган ҳужжатли фильм намойиш этил- ди. Унда кўрсатилишича, Европа мам- лакаларидан бирида кўзи оғиз ки- шилар учун махсус шаҳарча барпо этилган экан. Шаҳарчада ногиронлар учун барча шароитлар яратилган — мактаб, иш жойи, дўкон, бозор — ҳул- лас, яшаш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси шу ҳудудда муҳайё қилин- ган. Мўъжиза, йўлларнинг икки четига симлар тортилган бўлиб, бу кўрлар- нинг мустақил юра олишини таъмин- лайди. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу тақрибга бир жихатдан мак- табга лойиқ, Иккинчи жихатдан эса унинг салбий томонлари ҳам бор. Яъни, ногирон кишилардан соғлом фарзандлар ҳам дунёга келиши, вақт ўтиб, улар ақлини танигандан сўнг эса ўзини соғлом жамиятдан ажратиб қол- ган, деб ҳис қилиши мумкин.

Японияда бу масалада ҳам ўзига хос усулдан фойдаланилган экан. Гап шундаки, шаҳар кўчаларидаги барча

пийдалар йўлакчаларида турли шакл- лар акс этган бўрттирилган чизиклар- ни учратиш мумкин. Бу кўзи оғиз ки- мсаларнинг мустақил ҳаракатланганини таъминлайдиган чизиклардир. Яъни, улуда акс этган «юр», «тўхта», «йўл яқундаги» сингари турли маънолар- ни пойабзал билан босилганда бе- мамол хус қилиш мумкин. Бундай чи- зиклар ошкана, ресторан, дорихона, дўкон, саргарошхона, қисқиси, инсон қаерга қўлаб қўйса, ўша ерғача ўрна- тилган. Қўланган мақсад битта: кўзи оғизлар ҳам ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳис этсин...

Ҳамма янгилик — кўл телефонда

Бугун кўл телефонлари бутун дунёда энг оммавий алоқа восита- сига айланиб улгурди. Фан ва тех- нологиялар соҳасида олиб борилаёт- ган изланмишлар тўғрисида бундай те- лефонларнинг имконияти ҳам тобора кенгайиб бораётган. Масалан, айни пайтда Японияда аҳолининг асосий қисми улурдан факат сўх- батлашиш мақсадида амал, балки газета ўқиш, радио эшитиш, теле- визор кўриш, интернетга ўтиш, банк муносабатларини ҳал этиш ва бар- тақ-қонда амалда ўзини оқлагити...

Яқинда Россия телеканалларидан бирида «Кўрлар шаҳри» деб номлан- ган ҳужжатли фильм намойиш этил- ди. Унда кўрсатилишича, Европа мам- лакаларидан бирида кўзи оғиз ки- шилар учун махсус шаҳарча барпо этилган экан. Шаҳарчада ногиронлар учун барча шароитлар яратилган — мактаб, иш жойи, дўкон, бозор — ҳул- лас, яшаш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси шу ҳудудда муҳайё қилин- ган. Мўъжиза, йўлларнинг икки четига симлар тортилган бўлиб, бу кўрлар- нинг мустақил юра олишини таъмин- лайди. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу тақрибга бир жихатдан мак- табга лойиқ, Иккинчи жихатдан эса унинг салбий томонлари ҳам бор. Яъни, ногирон кишилардан соғлом фарзандлар ҳам дунёга келиши, вақт ўтиб, улар ақлини танигандан сўнг эса ўзини соғлом жамиятдан ажратиб қол- ган, деб ҳис қилиши мумкин.

Японияда бу масалада ҳам ўзига хос усулдан фойдаланилган экан. Гап шундаки, шаҳар кўчаларидаги барча

пийдалар йўлакчаларида турли шакл- лар акс этган бўрттирилган чизиклар- ни учратиш мумкин. Бу кўзи оғиз ки- мсаларнинг мустақил ҳаракатланганини таъминлайдиган чизиклардир. Яъни, улуда акс этган «юр», «тўхта», «йўл яқундаги» сингари турли маънолар- ни пойабзал билан босилганда бе- мамол хус қилиш мумкин. Бундай чи- зиклар ошкана, ресторан, дорихона, дўкон, саргарошхона, қисқиси, инсон қаерга қўлаб қўйса, ўша ерғача ўрна- тилган. Қўланган мақсад битта: кўзи оғизлар ҳам ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳис этсин...

Ҳамма янгилик — кўл телефонда

Бугун кўл телефонлари бутун дунёда энг оммавий алоқа восита- сига айланиб улгурди. Фан ва тех- нологиялар соҳасида олиб борилаёт- ган изланмишлар тўғрисида бундай те- лефонларнинг имконияти ҳам тобора кенгайиб бораётган. Масалан, айни пайтда Японияда аҳолининг асосий қисми улурдан факат сўх- батлашиш мақсадида амал, балки газета ўқиш, радио эшитиш, теле- визор кўриш, интернетга ўтиш, банк муносабатларини ҳал этиш ва бар- тақ-қонда амалда ўзини оқлагити...

ДУНЁГА НАЗАР

ри ҳомийларидан бири эканлигидан ҳам билиб олиш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ана шу телевидение ва нашрлар на- фақат интернет, балки уяли теле- фонлар орқали ҳам ўз мухлислари- га мунтазам ахборот ва хабарларни етказиб турибди.

Биз Япония матбуот ноширлари ва муҳаррирлари ассоциацияси, «Эн Эйч Кэй», «Асахи» телерадиокомпаниялари, «ФМ Ко-Ко-Ло» радиоси, «Йомиури» «Майничи», «The Japan Times» газеталаридаги учрашувлар давомида шулар ҳақида батафсил маълумот олдик. Ўз ўрнида, ҳамкасбларимизга юртимизда амал- га оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари тўғрисида ҳам гапириб бердик.

Дарвоқе, «Эн Эйч Кэй» корпора- циясида бўлганимизда бир гапни айтиб қолишди. Корпорация ходим- лари яқин кунларда Буюк ипақ йўли бўйлаб кўп қисмли ҳужжатли фильм тайёрлаш ниятида эканлар. Шубҳасиз- ки, улар ижодидан Ўзбекистоннинг та- рихий тўшалари тўғрисидаги лавҳа- лар ҳам ўрин ола- ди. Эслатиб ўтиш жоиз, юрт- дошларимиз севиб қилган «Кўнғил- «Ошин» телерадио- ли айнан «Эн Эйч Кэй» корпорацияси томонидан суратга

Паловимизга тан беришди

«Япония ва Марказий Осиё мам- лакалари дўстлиги» дастури доира- сидаги тадбирлар давомида биз кун- чиқар юрт аҳолисининг турмуш тарзи, маданияти ва соҳалар бўйича эришаёт- ган ютуқлари билан танишибгина қол- май, ўз юртимизнинг миллий айна- лари, урф-одатларини намойиш этиш- га ҳам ҳаракат қилдик. Аввало, ўпа- қилган барча учрашувларда мезбон- ларга Ўзбекистондан олиб борилган дўппи, белбоғ, чолпон, атлас, пижон ва

хўнрамандчилик намуналаридан ҳадя қилдик. Шунингдек, мазази етти иккимга машур меваларимиз билан ҳаммани меҳмон қилдик. Уларни та- биқ кўрган японлар ўзларига хос заъв билан «Ўзбекистон чиндан ҳам жан- натмонанд юрт экан», дея эътироф этишди.

Шидзуока префектураси ҳудудида жойлашган «Лафорэт Шүзэнжю» меҳ- монхонасидаги «Дўстлик кечасида» иштироки давлат вакилларининг чи- қишлари бўлиб ўтди. Биз Ўзбекистон- лик журналистлар — Гулмира Муса- жоновва, Жасур Қаршибоев («Ўзбеки- стон» телерадиоканали), Лола Зунну- нова («Ешлар» телерадиоканали), Ма- рина Безрукова («Спорт» телеканали) ҳамда каминя юртимиз тарихи, уяли қадамжоларимиз, мустақилликка эри- шилган, мамлакатимизда амалга оши- рилаётган тўб ўзгаришлар тўғрисида йилгиланларга батафсил сўзлаб бер- дик. Мезбонларнинг кўнглини Ўзбе- кистонга бўлган қизиқишлари янада ортганини, яқин орада юртимизга сайёҳ сифатида ташриф буюриш иста- ги турилганини айтишди.

Япония Халқро ҳамкорлик агент- лиги дастурига кўра, иштирокчилар — ҳар биримиз япон оилаларига икки кун- лик меҳмон сифатида ташриф буюр- дик. Бу, улар ҳаёти билан танишиб, ўз ўрнида миллийлигимизни кўрсатиш учун яна бир қулай имконият эди. Маъ- лум бўлишича, ташриф давомида ҳар бир юрт вакили ўзини қабул қилган оилага миллий таомларидан тайёрлаб берибди. Биз, Ўзбекистонликлар, шуб- ҳасиз, мезбонларни палов билан сий- ладик. Эътиборлики шулар билан, гуруҳи- сиз ўз ҳаётини тасаввур этолмайдиган японлар бу мақсулотдан шундай таом тайёрлаш мумкинлигини кўриб, қаттиқ қизиқиб қолди. Қўларига қоғоз қалам олиб, ош рецептини ёзиб олиш- ди. Айниқса, халқимизнинг табиятан меҳмондўстлигини, шунинг учун ҳам тўридан қилиб, юртга тез-тез ош бериб туришлари айлантирилган, ҳайратлан- ни яшира олишмади. Аввалги япон тилида, кейин эса унинг таржимасини биздан сўраб, ўзбек тилида «мен Ўзбе- кистонни севаман!» дейишди. Биз ун- мана шу сўзларни эшитиш, ишонсан- гиз, чекисиз бахт эди.

Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент — Токио — Осака — Киото — Шидзуока — Тошкент.

Тиббиёт, илмий ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати ташкилотлари раҳбарлари диққатига! Фақат биздан Ҳиндистоннинг «ХайМедиа Лабораториз Pvt. Ltd.» компаниясида ишлаб чиқарилган кўйидаги юқори сифатли махсулотларни харид қилишингиз мумкин: 2000 дан ортик турдаги бактерия, замбуруг ва йўсинларни ўстириш (кўпайтириш) учун мосланган муҳитлар; 2000 дан ортик турдаги кимёвий реактивлар; барча турдаги лабораториялар учун лаборатория идишлари ва сарфлаш материаллари.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинимаси томонидан 2006 йил 2 ноябрдаги 15104/2-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган «Дипхорхизмат» омондорасида сақланаётган, бошлангич баҳоси 1 700 000 сўм бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-Вольф» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №60293910000442, шасси №WDB46140117067373) очик аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Миллий банкнинг амалга оши- рилаётган кредит ва тижорат фао- лиятига нисбатан пухта ўйланган ёндашуви ва оқилона консерватив сиёсат юритиши натижасида эри- шилган даромадлигининг юксак даражаси кейинги йиллар мобай- нида BIS рейтингини бўйича жаҳон- даги энг ишончли банклар ўртаси- да етакчи ўринларни эгаллаб ту- риш имконини берди.




Газ унгури астеъмоличлари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига! «Крокус Газ Сервис» КК (Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ) «Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЕАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақдир этади:

АЪЛО НАТИЖАЛАР БИЛАН

жада қондиришга қаратди. Аҳоли- нинг бундан ташқари ва чакана миқозларга кенг қўламадаги замонавий банк хизматларини амалга оширмоқда. Корпоратив ва чакана миқозлар соми 1,2 миллионга ет- ганга икки ўтган йилнинг шу даври- дагига нисбатан 35,2 фоиз кўпай- гани (2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 898,8 минг) шундан далolat беради.

«Western Union» тизими орқали тез- кор пул ўтказмаларини амалга оши- риш ишларини давом эттирди. «Уэмиллийбанк»нинг мазкур тизим- да ишлаш ижозатига эга бўлган шо- хобчалари миқдори бултўр 15 та га ошди, 102 та га етди. «Western Union» бўйича пул ўтказмалари опе- рацияларининг умумий ҳажми эса 108 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ). Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.



2006 йил апрель ойида Россия Федерацияси банклари билан бир- галикда Миллий банк ўзининг «Осиё Экспресс» тезкор пул ўтказ- малари тизимини ҳам жорий этди. Мазкур тизим Россиядан Ўзбеки- стонга ва Ўзбекистондан Россияга ўтказмаларни амалга ошириш им- конини беради. Ҳозирги кунда рес- публикамизнинг барча ҳудудлари- да банкнинг «Осиё Экспресс» пул ўтказмалари янги тизимда рўйхат- га олинган 28 та шоҳобчаси ишлаб турибди. Ушбу хизмат кўрсатиш тури бошқа пул ўтказиш тизимла- ридан ўзининг арзонлиги, ишонч- лилиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради.

замонавий электрон газ ўлчагичлари. Ўлчаш диапазонлари: «АГАТ» G-16 (соатиға 0,16 м³ дан 25 м³ гача); «АГАТ» G-25 (соатиға 0,25 м³ дан 40 м³ гача); «УБСГ» 001 G-4 (соатиға 0,04 м³ дан 6 м³ гача); «УБСГ» 001 G-6 (соатиға 0,06 м³ дан 10 м³ гача); «УБСГ» 001 G-10 (соатиға 0,1 м³ дан 16 м³ гача). Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида. Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эға.

